

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 77 (10.382)

2005 ЙИЛ 21 АПРЕЛЬ

Шаҳрим — фаҳрим

Ўзбекистон — жаннатмакон ўлка. Бу сўз нафақат ўзимиз, балки чет элликлар тилида ҳам тез-тез янграётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Чиндан ҳам ўтган қисқа муддат ичида юртимизда амалга оширилган оламшумул ишларни бугун санаб адоғига етиб бўлмайди. Биргина ободончилик йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг ўзи бунинг яққол мисоли бўла олади. Зеро, бу борадаги хайрли ишлар бир дostonга тенг десак янглишмаймиз. Бугун шаҳримизнинг қайси гўшасига назар ташламанг, қай бурчагида бўлманг, кўзингиз яшил бойликлар олаמידан яшнаб кетади. Бугун ўхшаши йўқ бу бўстон — Ўзбекистон ичра гўлдек яшнаётган азим пойтахт Тошкентимиз таърифни қандай келтиришга тил ожиз.



ТОШКЕНТИМ — БОҒУ БЎСТОНИМ!

Тошкентим, порлаган пойтахтсан, букун,
Ўксалди кўксингда не-не қасрлар.
Сир эмас, бунчалик камолот учун
Керак бўлар эди неча асрлар...

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг мана шу сатрлари шаҳримизнинг бугунги ҳуснига мос ва хос тушгандек кўри-

нади. Табиийки, бугун «шу юрт фарзанди-ман, шу тупроқ менинг учун муқаддас» деган инсон зоти борки, тобора ҳусн очиб бораётган юрт жамоли, пойтахт камолидан мағрур ва масрур.

Давоми 2-бетда.



ЁШ БАНКИРЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон банклар уюшмаси Тошкент шаҳар умумтаълим мактаблари ихтисослашган банк синфларининг 11-синф аълочилари анжуманини ўтказди. Унда Ўзбекистон банклар уюшмаси, Банк-молия академияси, Халқаро Вестминстер университети, Тошкент банк коллежи раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этди ҳамда ўқувчиларга муратқаб, айни пайтда қизиқарли бўлган банкирлик касби, республика банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши, иқтисодийдаги инвестиция жараҳилари, ўрта касбунаар банк таълими тизими ҳамда чет давлатлар таълим тизимлари ҳақида сўзлаб беришди, кўплаб саволларга жавоб қайтаришди.

Учрашувда таъкидландики, юқори малакали кадрларни тайёрлаш мамлакат иқтисодиёти, шу жумладан банк тармоғининг самарали фаолият юритишида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Банк мутахассисларини бошланғич танлаш ва тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 9 ноябрдаги «Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон банклар уюшмаси томонидан Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда мамлакатнинг энг яхши умумтаълим мактабларида 39 та ихтисос-

лашган банк синфи очилди. Республика умумтаълим мактабларида банк мутахассисликларини ўрганиш ва ўзлаштиришга қизиқиш билдираётган иқтидорли ўсмирларни аниқлаш, уларни бозор муносабатлари иқтисодиёти ва банк иши соҳасида касбга йўналтириш, банк-молия соҳасига ихтисослашган олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида ўқишни давом эттиришга тайёрлаш банк синфларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсаддир.

Ҳозирги вақтда республиканинг ихтисослашган банк синфларида 2363 нафар ўқувчи таълим олмақда. 6 йил давомида мазкур синфларни 4485 йигит ва қиз муваффақиятли

битириб чиқди. 2004-2005 ўқув йилида бу синфларга 1058 нафар ўқувчи қабул қилинди.

Бу галги анжуман банк синфлари ўқувчиларини касбга йўналтиришни кучайтириш, уларни банк-молия соҳасига ихтисослашган олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида ўқишни давом эттиришга тайёрлаш, халқаро ва миллий банк-молия амалиёти ютуқлари билан таништириш мақсадида ўтказилди. Жонли ва қизиқарли мулоқот чоғида болалар кўплаб янги билимларни эгаллади, ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олди. Анжуманининг барча қатнашчиларига эсдалик совғалари топширилди.

ЎЗА

ПОЙТАХТНИНГ
Дир кўни

Янгиликлар, воқеалар

КУСРА

● **МИЛЛИЙ** матбуот марказида бўлиб ўтган тадбир табиий тошлар ва ер ости бойликларини қазиб олишнинг бугунги аҳоли, бу борада мамлакатимиз олимларининг хорижий мутахассислар билан ҳамкорлиги масалаларига бағишланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Банклар ассоциациясида шаҳримиздаги умумтаълим мактабларининг ихтисослаштирилган банк синфлари ўқувчилари, ўқитувчилари ҳамда мутахассислар иштирокида ташкил этилган анжуманда ёшларнинг маркетинг ва бозор соҳасини пухта ўзлаштиришларига кўмак бериш омиллари ҳуснида сўз борди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги «Оқибат» маҳалласида фаоллар, ёшлар иштирокида йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги муносабати билан ўтказилган давра суҳбати Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан уюштирилди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида талабаларнинг маданий ҳордиқ олишларини таъминлаш мақсадида эстрада гуруҳлари хонандалари ижросида концерт дастури намойиш этилди.

● **ЎТГАН** куни 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти қошидаги коллежда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Ўзбекистон ислохотлари — барқарорлик негизидир» деб номланди.

● **ЎТГАН** куни 6,8-мактабларда «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати гиёвандлар, жиноятчиликнинг ёшлар тарбиясига зарарли оқибатлари масалаларига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ
ИРГАШЕВ Шавкат Турдиевич Мирзо Улуғбек тумани ҳокими этиб тайинланди.

XXI сағоси
Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши мажлисида Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши, «Ўзбекистон-Латвия» дўстлик жамияти, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» давлат акциядорлик компанияси ва Тошкент Давлат педиатрия-тиббиёт институти ташаббуси билан «Она ва бола саломатлигини асрайлик» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

● «Тошғузур-Бойсун» Кумқўрғон темир йўл қурилиши тизимида яна бир иншоот — «Кумқўрғон» темир йўл бекатида сўнгги пардоз ишлари ниҳосига етмоқда.

● Самарқанд шаҳридаги юрак хасталиклари шифохонасида 50 ўринли, энг замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган янги терапия бўлими биноси қуриб, ишга туширилди.

● Қорақалпоғистонда БМТнинг Ривожланиш дастури бўйича қишлоқ туманларидаги электр энергияси ишлаб чиқариш станцияларини янги асбоб-ускуналар билан таъминлаш лойиҳасининг иккинчи босқичи бошланди.

● Яккабоғ тумани пахтакорлари Қашқадарё вилоятида чигит экишни биринчи бўлиб тугаллаган эдилар. Ҳозирда бу ерда чигит қийғос униб чиқа бошлади.

Жаҳонда

● Ватиканда йиғилган католик кардиналларининг конклави навбатдаги Рим Папасини сайлади. Бу лавозимни Бенедикт XVI номини олган 78 ёшли немис кардинали Йозеф Ратцингер эгаллади.

● БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Хитой ва Япония раҳбарларини Индонезияда бўлиб ўтаётган Осие-Африка саммитидан икки томонлама алоқаларни яхшилаш учун фойдаланишга чакирди.

● Греция парламенти ўзининг махсус сессиясида депутатларнинг кўпчилик овози билан Европа Иттифоқи конституциясини қабул қилди.

● Япониянинг Фукуока музофотида кеча Рихтер шкаласи бўйича 5,8 баллик zilzila содир бўлди. Ер силкиниши натижасида бир неча бинолар вайрон бўлди, темир йўл ва метро қатнови бир неча соатга тўхтаб қолди.

Иқтисодий

ХУШТАЪМ ВА ШИФОБАХШ

Инсон яралибдики, у табиат билан чамбарчас боғлиқ. Саломатлигимиз эса тўғри овқатланиш, дармондориларга бой мева-сабзавотларни меъёрида тановул қилишимизга бевосита ва билвосита боғлиқ.

Шайхонтоҳур туманида фаолият юритаётган "Она-Нафиса" хусусий фирмаси жамоасининг табиатимиз неъматларининг йил бўйи дастурхонимизда бўлишни таъминлашда хизматлари катта. Улар самарали технологик линиялар ёрдамида ҳўл меваларни сублимацион йўл билан қуритиб, чиройли идишларда кадоклаб савдога чиқармоқдалар.

Ушбу маҳсулотлар нафақат кўркам, хуштаъм, шифобахш, асосийси барчаси — қулупнай, гилос, ўрик, олхўрилар она заминимизда етиштирилганлиги, табиий дармондориларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради. Уларнинг кишмавсумида организмни дармондориларга тўйинтиришга хизмат қилиши эътиборга лойиқ. Утган йил охирларида фирмада янги маҳсулотлар — кўп дардларга даво полиз маҳсулоти бўлган қовоқ, кўпчилик севиб истеъмол қилувчи вешенка кўзичорини ҳамда барра кўкатлар қуритилиб, ҳар хил ҳажмли идишларда кадокланиб, сотувага чиқарилмоқда ва миждозлар мамнун қилинмоқда. Айниқса, ҳар хил турдаги сифатли сабзавот ва шириндан шакар ҳўл мевалар кўшиб кадокланган маҳсулотлар буюртмачилар эътиборини тортмоқда.

ИҚЛИМ ШАРОИТИМИЗГА МОС ЛИБОСЛАР

Мирзо Улуғбек туманида фаолият юритаётган хусусий тadbиркор Андрей Кошубин ёшлик шижоати, ғайрати ҳамда ташаббускорлиги билан алоҳида ажралиб туради.

— Табиатан жуда қизиқувчанман, — дейди тadbиркор, — кўплаб соҳаларда ўзимни синаб кўрганман. 1998 йилда оилавий бизнесни йўлга қўйдим. Изланиш, янгиликка ўчлигим иқидий меҳнатимда кўл келади, бунинг устига техникага ҳам қизиқишим бўлакча. Тикиш-бичиш дастгоҳ ва ускуналарини бемалол таштирлаб, қисмларни алмаштиравераман.

Хусусий тadbиркор аёллар кийими устаси ҳисобланади. У рафикаси ёрдамида мавсумий кийимларни фақат сифатли хом ашё ва фурнитурадан фойдаланган ҳолда яратади. Бу кийимлар ҳар қандай нозиктаб қиз-жувонларга манзур бўлади. Чунки улар замонавий бичимда, чиройли, мустаҳкам ва асосийси, кам нусхаларда тикилади. Матоларнинг эса иқлим шароитимизга мослиги буюртмачилар сафи кенгайишида омил ҳисобланади.

Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА

Шаҳрим — фаҳрим



ТОШКЕНТИМ — БОҒУ БЎСТОНИМ !

Давоми. Бош 1-бетда.

Азал-азалдан ҳар бир юрт, ҳар бир шаҳарнинг энг азиз ва мўътабар даргоҳи — Бош майдони бўлади. Пойтахтимиз ҳам ўзининг ана шундай мухташам Бош майдонига эга. Юртимизга ташриф буюрган меҳмон авваламбор шу даргоҳда бўлишни хоҳлайди, орзу қилади. Сабаби, шу майдон юртимизнинг аниқ қиёфасини белгилайди. Шу ердаги ободончилик, гўзаллик ва ораситаликка қараб шаҳарга умумий баҳо берилади. Шу ерда халқимизнинг урф-одатлари, маданияти, қадриятлари ва миллий меъморчилик анъаналари кўпроқ акс этиб туради. Мустақиллик майдонимизнинг йил сайин кўрса ҳавас қиладиган жозибали масканга — яхлит ва мукаммал ансамблга айланиб бораётганлигидан шаҳримизнинг ҳар бир кишиси фахрланади.

Президентимизнинг шаҳримизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан таниша туриб: «...Пойтахтимиз дунёнинг энг гўзал шаҳарларига хос тарзда қайта бунёд этишимиз керак. Унда ҳамшаҳарларимиз, пойтахтимиз меҳмонлари яшashi ва ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилмоғи даркор», деган сўзларининг замирида ҳам ана шу маъно ётади.

Тошкентни энг замонавий пойтахт шаҳарга айлантириш ташаббускори, бош меъмори Юртбошимиз эканлиги бугун ҳар биримизга маълум. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита иштирокида пойтахтнинг яшил дастури ишлаб чиқилди. Бунда умуман шаҳар меъморчилигининг, шунингдек ҳар бир кўча, майдоннинг ўзига хос хусусияти, пойтахт туманлари, анъаналари ва уларнинг жойлашуви эътиборга олинди. Сирасини айтганда, пойтахтимиздаги барча бунёдкорликлар Юртбошимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган Тошкент шаҳрини 2015 йилга ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш буйича Бош режа асосида амалга оширилмоқда.

Бугун шаҳримизнинг Шароф Рашидов, Шевченко, Моворауннаҳр кўчалари кесинган жойларда бўлган киши бу ерда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишларининг гувоҳи бўлади. Бугун «Тошкент универмаги» дўкони билан «Мовий гумбази» чой-

хонаси оралиғида бўлган одам бу ерда 13600 квадрат метр майдонни ташкил этадиган яхлит бир боғни яратаётган кўли гул ободонлаштирувчилар меҳнатига тасаннолар айтади. Ана шундай кўркам масканнинг пайдо бўлиши шаҳар экологик мувозанатини сақлашга хизмат қилса, иккинчидан бу ерда кўп қаватли уйларида истиқомат қилувчиларга мўътадил хаво бахш этади, уларнинг шинам шароитларда яшашларини таъминлайди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, эртдан кечгача ишлаб чарчаган кишилар атрофдаги гўзалликларни, тинч ва осойишта юртнинг шинам боғларини кўриб чарчоқларини унутадилар.

Бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етаётган бу боғта шу кунгача 200 тупдан ортқ хушманзара дарахт кўчатлари ва 500 тупдан зиёд сара гуллар экилди. Кўкаламзорлаштиришда эрта баҳордан то кеч кузгача доимий очилиб турадиган бута ва гул кўчатлари экилишига, яшил зоналарнинг кўпайтирилишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Айни кунларда бу жойда 250 нафар ишчи ва хизматчилар меҳнат қилишяпти. Улар шаҳар ирригация трестининг 3-таъмирлаш-қурилиш бошқармаси, Миробод ва Яққасарой туман ободонлаштириш бошқармаларининг ишчиларидир. Уларга ер текислаш, тупроқ ташиш ишларида «Ўзавтойўл» корхонаси хизматчилари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Пойтахтимизда олиб борилаётган ободончилик ишлари билан танишиш мақсадида қилган сафаримиз давомида кўплаб ҳамшаҳарларимиз билан учрашиб, суҳбатлашдик. Улар пойтахтимизда кенг кўламда давом этаётган бундай ободончилик ишларидан бениҳоя мамнун эканликларини баён этишди.

— Очиғи, биз истиқомат қилаётган Буюқ Турон кўчаси ҳамшиша тирбанд ва ўта ноқулай эди, — дея ўз фикрини баён қилади кексалик гаштини сураётган Мастура опа Ҳасанова. — Машиналар серқатновлигидан кун бўйи кўчадан носоғлом булди аниқб турарди. Ўйлаيمانки, ҳар ерда яратилаётган улкан боғ, аввало шу кўча юзидаги кўп қаватли биноларда яшаётган биз истиқоматчиларга қулай шароит яратиб бериш мақсадида амалга оширилмоқда. Бундай ғамхўрлик учун биз — ана шу кўп қаватли уйларида яшовчилар Юрт-

бошимизга минг бора раҳматлар айтамин.

— Халқимиз азал-азалдан ободончилик билан шугулланиб келади. У кўриқ ерда мўъжиза яратади, — дейди бизга хизматчи Иброҳим Қаримов. — Чўлни гулистонга айлантириб, жазирама қақроқ ерда поёнсиз боғ-роғлар барпо қилган халққа кимлар ҳавас қилмаган. Кўриқ ерда дур, тошлоқда гул ундиришга қодир ўзбек кимларнинг оғзида дoston бўлмаган. Тошкентнинг донини еган чумчуқнинг Маккадан қайтиб келиши беҳиз башорат қилинмаган. Ўзбекнинг нонини татиб кўрган ҳар қандай хорижлик яшнаган диёр, ҳур Ўзбекистонда яна бир бор бўлишни орзу қилади. Шундай обод ва кўркам юртда яшаётганимиздан биз ҳаммамиз бахтиёримиз.

— Болаларим, бу ёруғ кунларга етганлар, етмаганлар бор, — дейди бизга Шароф Рашидов кўчасида яшовчи нуруий отахон Исоқ ота Комилов. — Не-не ўтмишдошларимиз бундай хур, озод, дориломон кунларни орзу қила-қила дунёдан ўтиб кетишди. Сизлар бу саодатли кунларнинг қадрига етинг. Бу беш кунлик дунё ўтади-кетди. Инсондан фақат яхшилик қолади. Яхшилик фақат диловарлик эмас, балки инсон меҳнати, заковати билан ўлчанади. Эл фаровонлиги, ўз юрти ободлиги йўлида фидойи бўлган инсондан яхши боғ, яхши ном қолади.



Тошкентнинг бугунги қиёфасига қараб туриб, Истиклолнинг буюқ қудратли кучига тан берасан киши. Ўз эркини қўлига олган, ободлик нашидасини сураётган халқ нималарга қодир бўлиши кўз олдинда гавдаланади. Юртимизда, ҳусусан пойтахтимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари Мустақиллик шарофатидан эканлиги тасаввурингда янада ёрқинроқ акс этади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ СУРАТЛАРДА: пойтахтимизда олиб борилаётган ободончилик ишларидан намуналар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

СОЛИҚ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасидаги устувор вазифалардан эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Тошкент Давлат юридик институтида Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган йилгида Президентимиз қўйган ана шу устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳақида гап борди. Япония халқаро ҳамкорлик

агентлиги — JICA ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тadbирда ҳуқуқ-тартибот, солиқ ва молия идоралари ходимлари, институт профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда хорижлик мутахассислар иштирок этди. Унда солиқ қонунчилиги соҳасида ахборот ва ташунти-

риш ишларининг аҳамияти, солиқ маслаҳатчиси касбини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган тамойил ва ёндошувларни ишлаб чиқишга оид мавзуларда маърузалар тингланди. Тadbир қатнашчилари

солиқ қонунчилигини янада такомиллаштириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ошқора, содда-лаштирилган усулларини ишлаб чиқиш, бошқа давлатларнинг илгор тажрибасидан фойдаланиш мақсадимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик ривожини янада кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидланди.

Бехўзд НОРБОВЕВ, ЎЗА мухбири

Транспорт**ЙЎЛОВЧИЛАР
УЧУН
КУЛАЙЛИК**

Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдониغا ўзига хос архитектура ансамбли кўринишини бахш этиш мақсадида қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Янги трамвай йўлини қуриш бўйича ҳам лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди.

Навоий ва Ш.Рашидов кўчаларидан Амир Темуру кўчаси томон ётқизиладиган бу трамвай излари 1,7 километрлик масофани ташкил этади. Бунёдкорлик ишлари тезкорлик билан олиб борилиб, сифатли амалга оширилади. Қурилишда шпалли рельслар, таянч устунлардан фойдаланилади. «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси бу жараёни ўз вақтида адо этишни ўз зиммасига олди.

**ТЕКИС ВА
РАВОН**

Шаҳримизда трамвай йўллари узайтириш мақсадида йирик реконструкция ишлари бошлаб юборилди.

8-трамвай йўналишининг охири Юсуф Хос Хожиб бекатида амалга оширилаётган мазкур бунёдкорлик ишларини ўз вақтида тугаллаш мақсадида «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси қатор тадбирларни белгилади.

Трамвай излари Динмучаммад Кунаев кўчасига таъмирланади. Ана шу жараёнда йўлларнинг устки қатлами олиб ташланади. Бетонли плиталар, шпалли рельслар излари ҳам транспорт йўли билан бараварлаштирилиб текис кўчага айлантирилади.

Машина**“ХАВАСКОР”
РАДИО
СТУДИЯСИ**

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидеда бир нечта факультет фаолият кўрсатмоқда. Халқаро журналистика факультети фаолияти ҳам кенгайиб бормоқда.

Радиожурналистлар тайёрлаш йўлида кўрилатган маърифий тадбирлар ҳам эътиборни ўзига тортади. Факультет эндиликда ўзининг алоҳида радиостанциясига ҳам эга.

«Хаваскор» деб номланган бу станция замонавий техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Америкадан келтирилган махсус радиоаппаратдан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Эфирга узатилаётган аштитиришларни олиб боришда бу каби яна қатор қурилмалар қўл келмоқда.

Станция орқали бўлажак фотомужбирлар изланишлари ҳам оммалаштирилмоқда.

Бугунги кунда мўъжаз телестудия ҳамда фотолaborатория хизматини кенг йўлга қўйиш тадбирлари кўриломоқда.

Акбар АЛИЕВ

Бозор иқтисодиёти шароитида биз илгари қўлламаган атамалар нутқимизга кириб кела бошлади. Масалан, «маркетинг» сўзи ҳозирги вақтда кенг қўлланилмоқда. Хар бир соҳадаги талаб ва эҳтиёжни ўрганиш, унинг рақобатбардошлигини таъминловчи чора-тадбирларни кўриш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эгадир.

**МАРКЕТИНГ МАВЗУСИ —
ҚЎЛЛАНМАДА**

«Илм зиё» нашриёт уйи томонидан нашр этилган «Маркетинг асослари» номли ўқув қўлланма (амалий машгулотлар) си масалага ҳудди шу нуқтаи назардан ёндошади. Бу китоб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институти томонидан тасдиқланган намунавий дастур асосида тайёрланган.

Қўлланмада ҳар бир мавзу бўйича талабалар тасаввур ва тушунчага эга бўлиши керак бўлган бошланғич маълумотлар, мавзу юзасидан зарур билимларни мустақамлашни таъминловчи қўшимча адабиётлар рўйхати, аниқ топшириқлар, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар намунаси берилган. Қўлланмада ёритилган мавзулар, амалий топшириқлар, мустақил ишлаш

юзасидан берилган кўрсатмалар, талабалар билимини назорат қилишни таъминловчи тест саволлари уларнинг иқтисодий тафаккури шаклланишида ўз соҳаси бўйича умумий, касбий малака ва дунёқарашининг юксалишига хизмат қилади.

Умуман, «Маркетинг асослари» қўлланмасидан нафақат касб-хунар коллежлари талабалари, балки шу соҳа мутахассислари ҳам фойдаланиши мумкин. Муқовасининг безатилиши саҳифаларда мавзуларнинг чизма шаклида берилиши ҳам қўлланмани китобхон бефарқ эмас, балки қизиқиб варақлаб чиқишига имкон яратади.

(Ўз мухбиримиз)

**МУЛОҲАЗАЛАРГА БОЙ ЎТДИ**

Шаҳримиздаги Хусайн Шамс номли 4-ўрта мактабда «Тил комиллик белгиси» деб номланган инглиз тили бўйича семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тадбирда Акмал Икромов туманидаги бир нечта мактаб ўқитувчилари қатнашдилар.

— Бу семинарни ўтказишдан мақсад, — дейди туман халқ таълими бўлими чет тиллар услубий бирлашмаси раси Бахтиёр Пиримқулов, — чет тилларига бўлган эътиборни янада кучайтириш, мактабларда тез-тез

тренинг машгулотлари ўтказишни ташкил қилиш, асосийси эса ўқувчилар билан инглиз тилида жонли мулоқотни янада тақомиллаштириб боришдан иборатдир.

Семинар-тренинг мулоҳаза, мунозара ва янгича фикрларга бой тарзда яқунланди.

Нозимахон УСМОНОВА

Маҳамма

Шаҳримизда файзли, обод, ҳар бир ишни фаоллар бошчилигида ҳамжиҳатлик билан амалга оширувчи маҳаллалар кўп. Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев маҳалласини ҳам шундай чиройли, аҳил, меҳр-оқибатли гўшалар қаторига қиратиш мумкин.

**ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН
НИШОНЛАНДИ**

Зеро, ушбу маҳаллада ҳар бир байрам, шодиёна кунлар ўзгача шуқуқ билан нишонланади. Бирор бир тадбир соҳоватли ҳомийларнинг беғараз кўмагисиз ўтмайди. Маҳаллада кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар билан бепул таъминлаш тизими ҳам

йўлга қўйилган.

Баҳорнинг илиқ ва файзиб кунларида ҳалим тайёрлаб Наврўзи оламни шод-хуррамлик билан нишонлаш ҳам Олим Хўжаев маҳалласида хайрли аъяна тусига кирган. Бу гал ҳам маҳалла оқсоқоли Абдурашид Нажмидинов бошчилигида

Наврўз байрамини нишонлашга катта тайёрлик кўрилди. Фаоллардан Шоир Мансуров ва Бахтиёр Ҳайдаровларнинг ҳомийлик кўмаги билан тайёрланган хушхўр, тотли ва дармондориларга бой ҳалим таомидан бутун маҳалла аҳли баҳраманд бўлди. Баҳорнинг тансиқ таоми кекса, ногиронлар хонадонига етказиб берилди.

Хушовоз хонанда Латиф Мирхайтов ижросидаги дилтортар, мумтоз кўшиқлар байрам қатнашчилари қалбига хушнудлик бағишлади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: Олим Хўжаев маҳалласида ўтган тадбирдан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

**Семинарлар****ДАСТУРЛАР
УЗВИЙЛИГИ ЙЎЛИДА**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика методика ва ахборот маркази Ўзбекистон Давлат консерваторияси билан ҳамкорликда «Таълим жараёнида ўқув таълим стандартлари ва дастурлари орасидаги узвийлик ва узлуксизлиқни таъминлаш масалалари» мавзусида услубий семинар ўтказди.

Семинарда таълим босқичларида муассасий-назарий фанларни, ўзбек халқ чолғулари бўйича ижрочилик санъати босқичларини ўқитишни фаоллаштириш, замонавий кўғирчоқ театри ва ўқув жараёни муаммолари, мусикали театр актёрини тайёрлаш, киномонтаж жараёнини ўқитишнинг айрим томонлари, коллеж ўқув режаларига ўзгартиришлар киритиш, «Гармония» фани бўйича стандарт ва дастурларнинг ўзаро таъсири, мусиқа адабиёти, пуфлама чолғу асбобларини ўқитишда ўқув дастурлари ва стандартларнинг мутаносиблиги, эстрада санъати, мусиқий овоз режиссёрлиги ва овоз операторлиги, мусиқа мутахассисларини тайёрлашга, мусиқа ва санъат мактабларида, коллеж, лицейларда таълим жараёнининг хусусиятлари ва муаммолари ҳақида маърузалар қилинди. Анжуманда маданият ва санъат йўналишидаги олий таълим, коллеж, лицейлар, мусиқа ва санъат мактабларидан таширф буюрган соҳа мутахассислари қатнашдилар.

Мухтасархон КАРИМОВА

**“ЗАКОВАТ — 2005”
МУТЛАҚ ҒОЛИБ**

Бунёдкор ёшлар телеклубида «Нима? Қачон? Қаерда?» ўйинининг биринчи Тошкент шаҳар очиқ чемпионати финал ўйини бўлиб ўтди. «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда «Нима? Қачон? Қаерда?» ўйинларининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур чемпионатнинг финал босқичида саралаш ўйинларида иштирок этган 130 дан зиёд терма жамоалардан энг кучли деб топилган 12 таси аниқланди.

Илк маротаба ўтказилган мазкур чемпионатнинг ўзига хос жиҳати унда турли ёш ва интеллектуал савиядаги ёшларнинг иштирок этиши бўлди.

— Бундан илгари «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан мактаб ўқувчилари, лицей, коллеж ва олий ўқув юрталари талабалари ўртасида ҳам учта чемпионат ўтказилган эди, — дейди «Нима? Қачон? Қаерда?» ўйинларининг ўзбек лигаси бошқарувчиси Азизбек Юсупов. — Бу галги очиқ чемпионатимиз бир мунча юқори савияда ўтди. Зеро, ундан аввалги ўйинларда иштирок этиб келган жамоалар билан бир қаторда эндигина бундай баҳсга киришаётган жамоалар ҳам қатнашди. Шунга кўра саволларни мантиқ доирасида тузишга ҳаракат қилдик. Ўйинларнинг жонли тарзда ўтиши эса бизнинг ўз мақсадимизга эришганимиз заминини деб ҳисоблайман, — дея мамнуният билан таъкидлади А. Юсупов.

Финал ўйини яқунларига кўра иштирокчи жамоалар орасида юқори натижага эга бўлган тўртта жамоа аниқланди, суперфиналда беллашди. Очиқ чемпионат биринчилиги учун олиб борилган суперфинал бахслари кучли ҳаяжон остида ўтди.

Суперфинал натижасига кўра 4-ўрин «Эврика» жамоасига, 3-ўрин «Спарт ТВ» ҳамда 2-ўрин «Баҳоуддин Нахшбанд» жамоаларига nasib этди. Машхур «Заковат» чиларининг «Заковат—2005» терма жамоаси эса «Нима? Қачон? Қаерда?» ўйинининг биринчи Тошкент очиқ чемпионатининг мутлақ ғолиби деб топилди.

Ғолиб жамоа 24 апрель кунини ўтказилган «Нима? Қачон? Қаерда?» ўйинининг Ўзбекистон чемпионати финалига йўлланма олди. Чемпионатнинг саралаш босқичлари ушбу hafta давомида ўтказилиб, Ўзбекистон чемпионатининг ғолиб жамоаси «Нима? Қачон? Қаерда?» ўйинларининг жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Чинакам интеллектуал байрамга айланиши кутилаётган «Нима? Қачон? Қаерда?» ўйинининг Ўзбекистон чемпионатида янги терма жамоалар ҳам иштирок этиш имкониятига эга.

Наргиза УМАРОВА, «Туркистон-пресс»

Ойбек таваллуқининг 100 йиллиги олдидан

Кейин эллигинчи йилда биринчи марта нашр этилаётган ўзбек шеърини антологиясига ёзилди ва уни ҳам акам, отамга қарашли юриб, улар берган хайитликка Эскижўвадаги машхур китоб дўконидан сотиб олдим. Уша урушдан кейинги эллигинчи йил учун бу ниҳоятда хашаматли, бамисоли бизнинг назаримизда қизил хонтахтадай олтин ҳаллар, ипак қоғозлар билан безатилган ажойиб-ғаройиб китоб эди. Ойбек бизнинг эстетик қарашларимизга жуда чуқур таъсир курсатган антологияни тайёрлашда қатнашган, унга ўта рангин сўз ҳам ёзган эди. Антологиядан ўзбек шеърининг тарихий босқичларидан, яшаб ўтган ҳамда барҳаёт шоирларнинг ижодидан ҳар қандай хабардор бўлиш имконияти туғилган эди. Бу ҳалол ишлаб топган пулимга сотиб олган китобимни ҳам қимматли китоб реликвияси сифатида сақлаб юрман ва баъзан тўққиз-ўн яшар болалик чоғларимни соғинсам, бу ўша пайтнинг бизга байрамдек туюлган китобларини арақлаб қўяман. Уларни болалигимнинг тикка ва ҳеч қачон ётмайдиган қора сочлари каби силаб қўяман. Уларни сап-сарик, қахрабо бўлиб кетган узум ишқомлари тагида, ақикдек қизариб пишган олчазорларда оёғимни чексиз кўшигини айтиб боғлар файзини куйлаган муздек боғариқлар ичига осилтириб ўтириб ўқиганман. Эскижўвага тушсам, Хадра, Кўкча, Урдага борсам худди «Кутлуғ қон», «Навойи», «Кўёш қораймас»нинг парчаларида ўқиганимга ўхшаган ғаройиб, баланд бўйли келишган, ўзига жуда ярашган кийимлар кийган одамларни кўп кўраддим. Холматлар, Гулнорлар, қора Аҳмадлар, Зайниддинлар эса бизнинг ўта ноҳор, камбағал, умри бутун хо-надонлар билан бир шолча ёки бир бўйранинг устида ўтган маҳалларимизда ҳар қадамда кўзга ташланарди. Оқ ятак кийиб белига бир нечалаб белбоқ боғлаб, кенг пешонасини қизил кийиклар билан тангиб юрадиган азамат боғдорлар, поллизчилар, дехқон буваамларнинг ҳаммаси ўша пайтда менга Холмат ва Йўлчи бўлиб туюларди. Рост, Чукурсойдаги, Ҳасанбойдаги, Юнусободдаги барча эркак қариндошларимиз валлоҳу аълам худди шу Холматларга ўхшашарди. Уларнинг боғ қўрғонлари дарвозаларидан Гулнорга ўхшаш сўлим қизчалар, Йўлчи каби азамат ўғлонлар чиқиб келишарди. Уша пайтдаги бизнинг болалик давримизнинг одамлари ҳақиқатан ҳам Ойбек романларининг қаҳрамонларига туп-туп менгашарди. Улар аср бошидаги одамлар билан балки бир авлод бўлгани учун шундай кўринса керак. Авлодларнинг қиёфалари, тарзлари, бўй-бастилари, хатти-ҳаракатларида ўхшашлик кўп кўзга ташланади. У пайтлар но-мусли одамлар жуда кўп эди ва Холматнинг ўчи менинг мурғак онгим ошиёна-сида жуда чуқур таъсир қолдирган эди. То университетга тахсил учун киргушим-ча «Кутлуғ қон»ни ўн икки марта ўқидим. Айрим ўзим севган саҳифаларга бот-бот қараганимнинг эса санаоғига етиб бўлмайди. Роман қандай сиёсий мақсадларни кўзлаб ёзилганидан катъи назар, у том маънода асл ўзбекнинг сўзи эди. Ўзбекининг юрагидан чиққан дәрди ва ўта маънодор, ўта ифодали бадий сўз эди. Ойбекнинг ўзига ўз халқининг тарихий номига жарангдор қофияли маънодор тахаллус танлаганидан ҳам таъсирланарди. Уларнинг бир-бирига шу қадар мослиги, уйғунлиги болалик ҳис-туғиғуларимизда ўзгача завқлар ҳам уйғотгани сир эмас.

Кейин ўша қирқинчи йилларнинг охи-лари, эллигинчи йилларнинг бошларига қайтиб шуни ҳам яхши эслаймани, биз-нинг мурғак назаримизда Ойбекнинг Покистонга бориши жуда катта воқеа бўлган эди. Неғалигини билмайман, лекин ўша чоғлар менга Ойбекнинг Покистонга боргани жуда сирли бир воқеадай туюларди. Биздан бировнинг чет эллардаги мамлакатларга чиққанини ҳеч қачон эшит-

маган эдик. Бизга бир ўзбек ёзувчиси-нинг чет элга, айниқса Покистонга ўхшаш ўз мустақиллиги ва эркини қозонган мамлакатга ва буниг устига мусулмон дини-рига бориши ғаройиб воқеа бўлиб қабул қилингани беҳиз эмасдир ўша пайтлар учун. Тоғам ажойиб муаллим, нотик Хусанбек Ибодов билан бир боғ ҳовлида турардик. Тоғам оқартув техникумида, бир қанча мактабларда адабиёт дари-ни ўтардилар. Ҳар куни эрталаб тоғам-нинг эшигидан бир қанча янги газеталар-ни ташлаб кетишарди. Уша газеталар ичида «Кизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») дегани ҳам бўлар-ди. Мен ҳам бу газеталарни катта тут, тошнок, беҳи, жоноқи олмалар тутатиб кетган ҳовлининг қуюқ соясида супада қуроқ кўрпачага узала тушиб ўқиганим ўқиган эди. Бир куни шу газетادا Ойбек-нинг бир саҳифа Покистон хотиралари чиқди. Аввал бундай нарсани ҳеч кўрма-ган ва ўқимаган эдим. Биздан ташқари-даги олам ҳақида ўқиган биринчи нарсам-из худди мана шу Покистон хотирала-ри. Ўзбекнинг назари ҳам шундай нар-саларга етар экан-да, деб ўйладик ва бу бизга мўъжиза бўлиб туюлди. Кейин ул-гайиб яна Покистон хотираларини ўқимоқчи бўлдим. Ўқий олмадим. Шунча-лар жўн, ибтидоий ва арзон сиёсат бўлиб кўринди. Ёзувчи буларни қанчалар кучли таъйик остида улкан юрагини минг бора чангаллаб ёзганлигини ва ҳатто ўз ҳаёти-ни катта хавф-хатар остига қўйиб ёзган-лигини ўшанда бироз бўлса ҳам англаб етгандай бўлдим. Лекин у барибир бо-лалигимиз, болалик ўқишларимизнинг чин мўъжизаларидан бўлган эди ва ба-рибир шундай бўлиб қолади. Ойбекнинг Покистон хотиралари бизда дунёга чи-қиш, дунёни кўриш иштиёқини уйғотган, аммо бу у замонларда осон эмас эди. Балки мумкин ҳам эмасди. Шундай ду-нёдан узилиб яшардик.

Биздан бир боғ ошиб ўтсак, Кичкирик ва Калковуз сойларининг Тахтапуддан на-риги бетига Ойбеклар, Миртемирлар, Қуддус Мухаммадийлар, Абдулҳақ Абду-лаевлар яшарди. Бизга «Кутлуғ қон» ёки «Навойи»ни қайта-қайта мутулаа қилган чоғларимизда Тахтапуднинг шоввасин-ни гувиллаш билан бирга Ойбекнинг ҳансираб ишлаётгандек буюк нафаси ке-либ турарди, ё мен гўдакка шундай тую-ларди.

Биз университетга ўз-ўзимизда бор-ган эмасмиз. Университетга бизни Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорнинг асар-лари, Қуддус Мухаммадийнинг «Йигир-ма қондаси» қўлимиздан етаклаб борган. Уларни ўқимасак университетнинг йўли-ни қаердан билайлик? Шунинг учун бу мақолани ҳар кимнинг ўз ойбекномаси бор, деб бошладим. Бу таржимаи ҳолдан, унинг ўчмас таассуротларидан қандай юз ўғирайлик? Одам ўз ҳаётини ўзи ярата-ди, дейишади. Балки тўғридир. Менга қолса одамни кўпроқ ташқи дунё, ташқи муҳит кўпроқ яратади. Одам ташқи му-ҳит ва ўзини қуршаган ва ўзига ҳар қадамда дуч келадиган одамларга қараб, уларнинг кўзгусида ўзини кўришга, ўзини ярата боради. Воқеаларнинг туб-тубига қараганда, болалик таассуротлари одам-нинг бутун кейинги умри давомида етак-чилик қилишини кузатиш мумкин. Мен-дан учинчи, тўртинчи синфларда ўқиб юр-ганимизда «сан ким бўласан?», «сан-чи?» деган саволларни кўп эшитардик. Мен ҳеч ўйланиб ўтирмай: «адабиётчи, тарих-чи бўламан», деб жавоб берардим. Ада-биёт, тарих ўқитувчиларимизнинг бизга таъсири жуда кучли эди. Уларга эргаши-гимиз келарди. Қолаверса, «Кутлуғ қон», «Навойи» юрагимизда жуда чуқур ўрнаш-ган эди. Улар бизни илм, тарих сари чо-рларди.

Университетни тугатгач, Давлат бади-ий адабиёт нашриётига йўлланма билан бориб ишлашимиз ҳам менга тасодиф

бўлиб туюлмади. Бизнинг бу гўзал ада-биёт даргоҳига кириб боришимизда бо-лалик хаёлларининг ўрни, таъсири йўқмикан?

Университетни кечагина битирганим-га қарамай, ноширлик олами сир-сино-атларини эгаллаб-эгалламай ва мени ёш демай мумтоз адабиёт, фольклор, танк-ид ва адабиётшунослик ҳамда крим-та-тар адабиётлари редакциясининг муди-ри қилиб қўйишди, бўлимни пича илга-

Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода асар-ларининг жилдлари чиқа бошлади. Шу муносабат билан Абдулла ака, Фафур ака билан кўришиш, гаплашишга муяссар бўлдим. Улар ўзларини катта олмай ре-дакцияга келишар, жилдларнинг нашри, аҳоли билан ақиндан қизиқишарди. Бир куни Фафур ака редакцияга кириб келган-да, Алмай домланинг Субутой Долимов тайёрлаб келган кўлёмни ўқиб ўти-рар эдим. Фафур ака жилдга киритиш

ларининг соясида қолгандай туюлади. Унинг шеърини шу тоғларнинг улкан со-яларида, улардан баҳрадор бўлиб очил-ган мангу бойчечаклармикан? Бойчечак ўзи бениҳоя нозик. Лекин у қудратли зирваларда тошдан ҳам қаттиқ музлик-ларни ёриб чиқиб очилади, ўз гўзалли-гини қуёшга намоеън қилади. Лекин бой-чечак табиатнинг қудратли кучлари — ша-моллар, музлар, бўронлар, коинот ҳаво-дислари — қуёш, ой, ер, юлдузлар — обу-

ОЙБЕК БИЗНИНГ ҲАЁТИМИЗДА

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ОЙБЕКНОМАСИ БОР



Назаримда Ўзбекистонда ҳар бир одамнинг ўз ойбекномаси бордай бўлиб туюлади. Ойбек ҳар биримизнинг таржимаи ҳолимизга ўз таъсирини ўтказган. Менинг 1946 йилда ўқиган энг қадрли китобим — «Кутлуғ қон». Ўқиш китобимизда «Кўёш қораймас» деган романидан парчалар босилган эди. Бу қутилмаган сўзлар, товушлар-

нинг шитоб билан чалинаётган дўмбира садосидай тарақлаши, оҳанглардаги ҳали биз онгли тарзда англаб етолмайдиган олижаноблик, шоироналик бизни лол қолдиради. «Кутлуғ қон»дан кейин ва изма-из «Навойи»ни ўқидим. Менда бу китобларнинг илк нашрлари ҳамон қимматбаҳо ёдгорлик каби сақланади. Энг муҳими уларни акамнинг помидор чопигига қара-шиб, акам берган хайитликка сотиб олганман.



ри қуёши кўтарилиб келаётган танқидчи, устозимиз Озод Шарафиддинов ва уқтам шарқшунос Рустам Комилов бошқариш-ган экан. Эстафета байроқчасини менга беришди. Кўп ўтмай редакциямиз кўп томлик асарларни ҳам тайёрлаб чиқара бошлади. Дастлаб Навойининг 525 йил-лиги муносабати билан унинг ўн беш том-лик асарларини чиқариш режалаштирил-ди. Фанлар академияси ҳайъатининг қарори ҳам чиқди. Шу қарор тасдиқлан-ган Президиум кенгашида нашриёт ва-кили сифатида мен ҳам қатнашган эдим. Чамаси 1963 йил эди. Президиум йиғил-ган кичкина залда илк бора Ойбек дом-лани жуда яқиндан кўрдим. Шу йиғилиш-га билмадим қандай тарих шамоллари учирган, қутилмаганда Айний домла ва Лохутий домланинг ўғли кириб келишди. Кимдир уларни Ойбек домла ўтирган ерга етаклаб борди. Айтишди. Ойбек домла бирдан чарақлаб, гул-гул яшнаб ўрни-лардан турдилар ва Лохутий домланинг ўғлини маҳкам бағирларига босдилар. Ойбек домланинг кўркам чехраси шунда қуёшдек порлади десам муболага бўлмас. Ойбек энг яқин кадрдонларини кўргандай бўлди ва уларни буюк самим-ият билан эъзозлади. Навойи ўн беш томлигининг дунёга келишида Ойбек ва Фафур Фуломнинг маърифатли нафаси теккан.

Мумтоз адабиёт ва фольклор эмасми, редакциямиз эшигини очиб ажойиб газалхон ва газалнавис қариялар Мунир-хон Мунизода, домла Васфий, домла Чу-стий, домла Боқир, домла Тўхтастин Жа-лилов, домла Улфат, домла Хошимжон Раззоқов, домла Порсоҳон Шамсиев, домла Ходи Зариф, домла Мансур Аф-залов, домла Мўминжон Мухаммаджо-нов, домла Мухсин Зокирий, домла Абубакор Ра-жабий, домла Нурмат Мақсудийлар ки-риб келишарди. Уларнинг суҳбатлари дутор қуйдай ёқимли, дилрабо покрав мавлонолар эди. Навойи ўн беш томли-ги билан бир вақтда, изма-из Фафур

ҳаволарнинг минг турфа ўзгаришлари билан кураш ва мулоқотда бойчечак бўла-ди, ном қозонади.

Ойбек домланинг хоҳ насрий, хоҳ на-змий, хоҳ илмий асарлари — бари ХХ ас-рининг миллий озошлик кураши тўлқинла-рида, шу тўлқинларнинг энг жазбий нуқ-таларида туғилди. Гарчи совет даври бўлса ҳам, лекин миллий озошлик ҳара-кати ҳеч бир ижодкорнинг ижоди кун тар-тибидан тушгани йўқ. Совет зўравонлик машинаси озошлик учун курашининг уст-ки қисмини мажаклаш ва вақтинча йўқо-тишга эришди. Лекин курашининг ост-ки, туб илдиш қисмларини у қанча уринма-син, қуритолмади, йўқотолмади, мажак-лаб ташлай олмади. Яхшилаб қаранг, со-вет мафқураси таъзиқи даврларида яра-тилган энг яхши асарларнинг барида ҳеч истисносиз миллий озошликнинг соғин-чи, идеали ва гоёсининг шабадалари эсиб турганлигини кўрасиз. Буни кўриш ва англаш учун ҳеч бир зўриқиш ёки йўқ нарсаларни бор қилиб кўрсатишга ури-нининг ҳождати йўқ. «Наъматак» айтинг, озошлик гимни эмасми! «Вакт» айтинг, озошлик гимни эмасми! «Ҳолбуки, тун!..» айтинг, озошлик гимни эмасми! Чўлпон-ку гимн! Қодирий-ку бус-бутун гимн! Ав-лоний, Бехбудий, Ҳамза-ку тугал ва ту-галланган гимн! Ўз халқининг тақдирини ўйлайдиган ва шу тақдир ичиде яшовчи миллий ижодкор борки, у ҳеч қачон ва ҳеч бир ҳолда агар Ватани қарамликда қо-лган бўлса ва бу қарамликнинг оти нима деб аталмасин, қандай мафқура асос кел-тирилмасин, миллий озошликни ўйламай у учун курашмай илоҳи йўқ. Бундан таш-қари ҳоллар ҳақиқий ижод ва ижодкор-ликдан жуда йироқ ва унга бегона бўлган ҳоллардир. Ижод ва миллий озошлик де-ганда ва унинг қайноқ курашлари, жаҳб-алари деганда ана шуларни тушуномқ зарур бўлади.

Ойбек Қодирий, Чўлпон учун курашлар-да — демак миллий озошлик овози учун курашларда ўзини ўтга қўйди. Уларни баркамол бадииятнинг тимсоллари каби тушунтириш, сақлашга жон-дилдан ин-тилди. Бу таъбир жоиз бўлса ўзининг ҳам

боши кундада турган, қонли болтанинг ҳар дақиқада тушишига тайёр турган жонбахш одамнинг интилишлари, куйиш-лари, фарёд уришлари эди. Унинг Чўлпон ҳақидаги мақолалари фарёд эмасми. Унинг Қодирий ҳақидаги мақолалари ша-фқатсиз тунда янграган фарёд эмасми!

Ҳозир Ойбек домланинг шеърларини диққат билан мутулаа қилган одам балки бир феномени пайҳаси мумкин. Буни феномен дейдими демайдим, лекин хо-лис қараганда у феномен даражасида.

Ойбек бир қисм шеърларини ўзи учун ёзган.

Ойбек яна бир қисм шеърларини ўзи ва маҳбубаси учун ёзган, қолган қисм шеърларини замона учун, унда катта аъмол идеали бир зум ҳам назардан қочирмай, сақланиб туриш учун ёзган. Золим билан муроа қилмаган. Айни чоғ-да золимнинг ёмон гумонлари ва ваҳши-ёна, шафқатсиз кекчилигига озуқ ҳам бермаган, унинг гашига тегмаган.

Таъбир жоиз бўлса, мафқура аждаҳо-си қомига унга тотли туюладиган асар-ларни ташлаб турган. Азбаройи салбий кучларни сақламоқ учун!

Бўлмаса Ойбек ўта рангин ва ўта ран-глардоз шоир! Унинг оти Ойбек. У олтин ранглар — олтинсимон рангларни сева-ди. Унинг ижодий оти Ойбек. Ва у ўта олижаноб табиатга эга. У олижаноб қора рангларни севади. Олтин рангларини қора рангларга тазод қилади.

Бу нозик зиддиятлар балқиб турмай-ди. Лекин улар шеърларини бутун ички оқимига сингирб ётади.

Ойбек «Наъматак»ни ва наъматак руҳи-даги шеърларини ўзи учун ёзган. Бунда ҳеч қандай сиёсий, ижтимоий мақсадлар йўқ. Бунда бор фақат юрак! Ва бунда бор фақат табиат! Шу иккидан туғиладиган мангу олтин кесишмали кечинмалар! Бун-да у Чўлпон, Блок ва Лермонтов ёнида ту-ради.

Ойбек домла Зарифа Саидносировага бағишланган ва ақсарий фақат кейин нашр этилган рубоий шеърларини ўзи ва маҳбубаси учун ёзган. Бу шеърларнинг ҳар бир сўзида илҳом парилари сеҳрли рақс тушади. Бекорга эмас Нитше об-раз яратиш санъатини рақс деб билади. Рақс инсониятнинг энг қадимий санъати ва ҳамма санъатлар ва шунингдек, сўз санъатининг ҳам ота-онаси. Булар илҳом-мёр шеърлар. Уларда истеъдод, илҳом барқ уриб туради.

Ойбек ўзининг турли йилларда ёзил-ган бир қатор шеърларида дарвеш об-разига мурожаат этади. Ким бу дарвеш? Мавхум бир зотми? Ўтмиш сиймосими? Ким у?

Мана «Ўғит» деган шеър. У 1929 йил ав-густда ёзилган. Ўз вақтида шоир уни бос-тирмаган. Фақат ноширлар томонидан йи-гирма жилдлик асарларига киритилган.

Эй дарвеш, қулдими жононинг Нақадар чирпиндинг йўлида? Парвона сингарни хаёлинг Кўп ёнди саробинг чўлида...

Жонон бу тимсол. Рамз. Дарвешнинг идеали. Дарвеш идеал, яъни интилади-ган энг юксак мақсади, аъмоли бор одам. Гап кашкул кўтариб одамларни дину ибод-датга давъат этадиган одми, аънаввий маънодаги дарвеш устида эмас. Идеали-га етиш йўлида у сароб чўлларни кўп қувиб ўтаётти. Йўлнинг қийинчиликларидан қўрқиб ундан воз кечмаяпти. Лекин етдими у сароб йўллардан сарсари бо-риб ўз идеалига?

Йигилар нолалар, ҳижронлар Ҳаётнинг сирларини очмади Қалбингда уйнаган ёш қонлар Учқунсиз, ёнишсиз қақради...

Етолмади у жонон тимсолдаги идеал-га! Бутун сайё-ҳаракатлар бекорга кет-ди. Тортилган барча азоб-уқубат, қийин-чиликлар ҳаёт сирларини сочишга олиб келмайди. Бир фожиа. Ўткир ёш қон гу-пуриб ҳаёт яратаман деб турибди, лекин яратолмайди.

Шоир худди аллақандай дарвешга эмас, ўзига ўзи айтаётгандай дейди:

Бўш, қора диёрдан дарвеш, қоч! Яшамок, курашмоқ йўлин тут! Фан йўли порлоқдир. Кучни соч Қари Шарқ куйини бас, унут!

Мана, шеърнинг ўғит деб аталишининг сабаби. Қора диёр — мангуликнинг ту-тулларидан қорайган дарвешхонами? Ё озошлик ҳақидаги бари умидлар сароб-га айланган ўтмиши? Бу қора диёрда фақат йғи, мола, ҳижрон ва уларнинг ҳосиласи — сароб ҳукмронми? Дарвешга халаскорлик йўли кўрсатилмапти, тақлиф этиляпти, фан йўлига қайноқ қонлардан туғилган кучни сочишга қақирляпти. Шoirга фан йўли энг самарали, махсул-дор йўл бўлиб туюляпти.

Жадидлар бир маҳаллар юрт ва халқ учун халаскорлик йўли ҳақида ўйлаганла-ри ва уни қидирганларида Мунаввар Қоридан Бехбудийга ҳам ўтмишнинг чир-кин идеалларидан юз ўгириш, юзни фақ-ат янгиликлар, Европа илм-фани, мада-нияти сари буришни кўзлаган ва тарғиб этган эдилар. Биз бу ерда ўша гоёнинг акс садоларини тинглаймиз.

Порлоқ йўлга чиқмоқлик учун Қари Ша-рқнинг эски куйларини унуттиш керак! Ана! Лекин ўтмишни унутиб бўларканми? У те-шилган бир дўппи эмасми, ташлаб юбо-риб қутулсанг! Ўтмиш ҳар бир одамнинг қонида яшайди. Ўтмишсиз инсон йўқ. Ой-бекнинг ўзи ҳам ўтмишдан кун олди. Ой-бекнинг сира кўз ўнгидан кетмайдиган дарвеш наздида қўккам гулларни тез сўлган, боғлар ҳазонга айланган, кўкда-ги қуёш ҳам унинг-чун сўнган. Энди унга тоғлардаги булоқлар нағмаларини чал-майди. Ҳеч ерда гўзаллик қолмаган, бул-буллар, хушнағмалар бари битган.

Дарвешнинг кўзлари қонли ёш сочар доим нолакор.

Бу 1925 йилда ёзилган «Айрилик ва дарвеш» шеъри. Дарвеш бу гўзал шои-рона нарсаларнинг — унинг бўлиги, ти-риклиги бўлган барча нарсалардан ай-рилган. У диёрсиз. Ҳатто ётишга совуқ бир мазор топмайди.

1929 йилда Ойбек домла яна бу мав-зуга қайтади:

Бир кеч... бокарди кўқдан гўзал ой Сукунат ичиде қулларди боғлар Дердимки, гамларни озгина отай Кечирмас суюқли шу нози чоғлар Мен оғочликларда кезаркан ногоҳ Узоқдан туюлди ҳижронли бир оқ Бокдимки: дарвеш у эски дарвеш Сочлари оқарган, кўзлари сиёҳ...

Бу турли вақтда ёзилган уч шеър — бир триада. Дарвеш ва йўқолган фусункор дунё. Дарвеш ва ҳижрон. Дарвеш ва ди-ёрсизлик. Дарвеш ва идеалларни йўқо-тиш. Мангу айрилик. Нега йиллар оша бу дарвеш Ойбек домлани — унинг лирик «Мен»ини сира тарк этмайди?

Ниҳоят, 1942 йилда ёзилган ва лекин шоирнинг ўзи ҳеч қаерда эълон қилма-ган яна бир шеър:

Салом, эй ой, мунгли эски дўст Бок тағимда яна ўша тақир пўст Ўша шамшод асо, ўша қамш най Фақат ўзга ҳижрон, ўзга жон ва май Мажхул сахродамен ой, бўл пир ва эш Гоёга эришсан бу сўнги дарвеш!

Хўш бу дарвеш ким? Мажхул бир об-разми? Шоир фантазиясими? Йўқ. Булар эмас. Бу Ойбек. Тунлар бедор, телбавор кезган Ойбек. Ўз тахаллусига ва ўз қис-матига доим содиқ Ойбек. Охирда соғай-сам, тўйиб ёзаман деб орзу қилган Ой-бек. У ўзини дарвеш қиёфасида тасав-вур қилишни севади. У буюқ ҳаётсевар-лик қаробарида ҳаётни дарвешона, яъни чин шоирлик маърифати ва сўнгсиз, адоқсиз ғам-қайғу-айриликлар билан ўзида жо қилган йўловчи дарвеш эди. Бу дарвеш Ойбекнинг асл қиёфаси, замон довуллари, олатўпонларида ўзгармаган, айнамаган, айнамайдиган асл табиати бўлса керак. Унинг асл, ўлмас сўзларини балки мана шу дарвеш ёзган.

Иброҳим ҒАФУРОВ, адабиётшунос олим.

Ошша даврасида сўхбатлар

Яхшилик

ЭЗГУЛИКНИНГ ЧЕКИ

Талабалик йилларим эди. Турли вилоятдан келган болалар билан ижарада турардик. Мени институтга қиядиган битта битта шимим бор эди. Унинг ҳам игна тегмаган чоки қолмаган, тиззаси ейилиб, ялтираб қолган эди. Болалар менга янги шим сотиб олишни тавсия қилишди.

Бир куни дўстим «Мен янги шим сотиб олган эдим. Ўзимга бироз кичкиналик қияляпти. Шунинча қилинган?» — деди. Мен унамадим. Чунки ёнимда уч минг сўмдан бошқа пулим йўқ эди. Болалар қўйишмади. Юсуф шимни олиб келгани кетганда Отабек ва Нодирхонга пулим йўқлигини айтдим.

— Олиб келаверсин-чи, бир гап бўлар, — дейишди улар. Дўстларимнинг ҳа-ҳалаш билан шимни кийиб кўрдим. Уртоқларим айланаб кўриб менга мосми-мос эмасми текширган бўлишди.

— Айни ўзингиз учун тикилган эканда, нархини айтинг, нархини, — деди Отабек Юсуфга

— Уч минг сўм. Олса олсин. Лекин бундан бир сўм ҳам туша олмайман.

Мен ҳайрон бўлиб Юсуфга қарадим. Унинг қарашлари жиддий, ҳазиллашмаётган эди. «Пулни беринг, бор барака» қилиб савдони пиширишди. Уч мингни чиқариб берар эканман, ҳамон шу шим меники бўлганига ишонгим келмас эди. Чунки шим қимматбаҳо газламадан дид билан тикилган, уни яна устига уч минг қўйишмади ҳам бозорда бериши қийин эди. Эртаси куни институтга кийиб бурганимда шимни кўриб болаларнинг ҳаммаси қизикиб қолдиши.

«Абдуллажон, шимнинг додасини олибсизу, неча пул бўлди?». Нархини айтганим улар мени ёлғончиға чиқаришди. «Четнинг энг зўр фирмасининг махсулоти, беш мингга ҳам олиш қийин бу шимни» дейишди. Уларни ишонтирламадим. Шу билан бу воқеа унут бўлганди.

Орадан чамаси бир йиллар ўтди. Кўчадан қайтсам Юсуф бозордан энди келган экан. Шим сотиб олибди. Ўзини кўзгуга соляпти.

- Муборак бўлсин, неча пул бўлди?— сўрадим ундан
- Кўлиб! Етти мингга олдим.
- Менинг шимим билан матоси бир хил экан, — дедим шимни ушлаб кўрар эканман.
- Буни олти мингга олган эдим.
- Ие сапчиб тушдим мен, — ахир менга учмингга сотган эдингизку?!

Юсуф қип-қизариб кетди. «Янглишибман» деб мендан кўзларини олиб қочди. Унинг нигоҳларидан аллақандай сирни яширатганини пайқаш қийин эмасди. Мен қўймадим, унга тўғриси айтишини талаб қилдим. Ҳийла вақтга қўзилган мунозарадан сўнг у ҳақиқатни айтишга мажбур бўлди.

— Ушанда шимни кийиб кўраётганингизда Отабек имо-ишора билан сизга билдирмай ёнингизда уч минг борлигини, минг сўмдан уч мингини учовимиз кўтаришимизни айтди. Шу билан савдолашган эдик.

Мен хайратга ботганимча ўша савдони кўз олдимга келтиришга ҳаракат қилдим. Дарҳақиқат, Отабек мийғиға кулаётгандай эди. Кўрсодларимнинг уч мингга олдим деганимда таажубланган нигоҳи кўз олдимда жонланиб, кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмас эдим. Юсуфнинг эҳтиётсизлиги туфайли сир очилмаганда бу шим савдоси абадий сари юз тутган бўлар эдими?

Рустам ЗОИРОВ

Ҳаётда меҳр-оқибат танқислиги сезилиб қолади. Ҳамма қайқадир шошган, ҳеч кимнинг ортиқча вақти йўқ, мулоқимлик ўз ўрнини қўполликка бўшатиб бергандек.

Бир мулоқим табассум, бир оғиз ширин сўз кудрати олдидан не-не муаммолар ҳал бўлмаган дейсиз. Ўз вақтида айтилган ширин сўз, берилган тасалли инсон умрига умр қўшиши ҳақида жуда ҳам ўйлайдиган бўлиб қолганмиз. Нима бўляпти?! Замон ўзгами?! Одамлар ўзгарганими?! Қалб ўзгача сезади-ган бўлиб қолганми?! Нима бўлди, ахир?

Мана қуёш...
Ҳаммага бирдек нур сочади. Кимнидир ёмон, кимнидир яхши деб ўтирмайди. Нима учун қуёш каби ҳароратли, тафтли, ширин сўз манбаи бўлиб порлолмаймиз, кимнидир ёмон, кимнидир яхши деб ўтирмайди?!

Мана сув...
Зиллол сув, ҳаётбахш сув. Не-не қабих кишилар танасини мусоффо

эتماйди дейсиз. Сув ўлар уларнинг гуноҳларини мусоффолиги билан ювиб инсонларга ибрат бўлаётгандек. Сув ҳаётбахшлигини, софлигини барчага улашаверади, беминнат!

Нима учун сув каби пок бўлиб,

МЕҲР-ОҚИБАТ СЎНМАСИН

қалбларга ҳеч бўлмаганда кичик бир ирмоқ каби кириб боролмаймиз. У ердаги губорларни ювиб, ҳаётбахш қайнарбулоқ бўлолмаймиз, беминнат?!

Мана ҳаво...
Ундан ҳамма бир хилда нафас олади. Барча-барча ҳаёт манбаи бўлган ҳаводан табақаланмасдан туриб нафас олади. Ҳаво ҳам инсонларга ўз саҳий бағрини кенг очган, ҳеч кимни ажратмасдан.

Нима учун биз ҳаво каби бағрикенглик қилолмаймиз, ҳеч кимни ажратмасдан?!

Мана ер...
Унинг бағрини қиррали тоғлар,

Ҳотира қўйонса қўзғалди

ҲАММАНИ БИРДЕК «АЗИЗИМ» ДЕРДИЛАР

Ота улуг зот, у оиланинг султони, таянчи, мустаҳкам пойдеворидир. Мен бугун ўз падари бузрукворим, беш фарзандим вояга етказган, аммо уларнинг роҳат меваларини кўролмаган раҳматли отажоним, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Тўлқин Расулев ҳақида ёзмақчиман.

Дадамлар дилқаш, ҳоқисор, камтарин, меҳнатсевар, сўзга чечан инсон эдилар. Турли тахририятларда меҳнат қилдилар. Айниқса севимли газетамиз «Тошкент оқшоми» да 20 йил давомида ижод қилдилар. Турли мавзуларда қалам тебратдилар. Одоб-ахлоқ, миллий қадриятларимиз мавзусида ибратли мақолалар ёздилар.

Ҳар бир мақолалари чиққанда биз фарзандлар учун байрам бўлар эди. Айниқса мен мактабга олиб бориб синфдош ўртоқларимга ўқиб берардим. Ўша пайтлар мен дунёдаги энг бахтли фарзанд эдим. Ҳар куни кечқурун овқатдан сўнг дадам бизга одоб-ахлоқ, манманлик ва камтарлик, ёлғон сўзлаш оқибатлари ҳақида турли хил ҳикояларни сўзлаб берад эдилар. Инсон эоти ҳар доим камтар бўлиши керак, мағрурлик фақат эгамга хос, ҳеч қачон бировни камситманлар, бошингизга қилич келса ҳам тўғриси ўзингиз, айниқса сизнинг ёнингизга ёрдам сўраб келгунчи инсонни асло кўраганидан итарманг! — дердилар. Отажоним ана шундай инсон эдилар. Улар ҳаммамни эъзозлардилар. Ҳаммага «Азизим» деб мурожаат қилардилар. Дадам ҳар соат, ҳар сония менинг жисму жонимда. Энг қувончли кунларимда ҳам, қайғули фурсатларда ҳам улар доимо калбимда бўладилар.

1996 йил 26 апрелда келинлик уйимга тонгда кўнгирик бўлди. Кайнонам «Болам, дадангиз оламдан ўтибдилар, Оллоҳ сабр берсин!» дедилар. Ўша куни жума эди, ўша куни арафа эди. Ҳар бир инсон тириклик чо-



ғида ёки касаллик вақтида Оллоҳдан омонатини мана шундай кулғу кунларда олишини илтижо қилади. Худди шундай муборак арафа, жума кунини биз фарзандлар дадами сўнгги йўлга кузатдик.

Ҳеч кимга озор бермайдиган ҳаммага бирдек муомалада бўладиган, барчани «Азизим» деб эъзозлайдиган отажонимни яна бир бор эсладим. Эслаганда ҳам фахр билан эсладим. Бу сўзларни оққа кўчирарканман юрак-бағрим эзилди, кўзимда ёш билан ҳар бир жумла бир-бирига боғладим ва дунёда энг катта армоним отамни йўқотганим уяғимнинг бир четидо доимо доғ бўлиб қолди. Ҳар сафар Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонованинг «Отажон» қўшиғини эшитганимда, ана шу армон мени ўртади:

Армоним бор бу дунёда,
армоним бор
Кок далада ўтлар
босган ўрмоним бор
Қизғалдоқдай бошим
эгиб бу маконда
Ёшин яшаб ўтмаган
отажоним бор.
Фазилатхон ҚАЙУМОВА

ОНА ҚЎЛЛАРИ

Қатра

У талапо оёққа турди, йўлга кирди. Йиқилса онаизори минг ўргилиб, авайлаб тургазди, бошини силади. Қўйилса отажони сўяди. Нақадар бахтиёр эди ўшанда. Ахир ҳар қадамда меҳрибон она қўлларини, ота қувончинини ҳис этарди.

Усди, улғайди. Мактабга борди. Яна ўша қўллар ёрдамга келди. Ўқини тугатиб уйланди. Ўша қўллар, меҳрибон қўллар у билан ёнма-ён турди. Дунёда бу қўллардан ортқ баят йўқдек эди унинг тасаввурда.

Ўзи ота бўлди. Бутун меҳрини фарзандига берди. Йиқилса сўяди. Афсус, бошини силаган меҳрибон қўлларни унутди. Бу орада ота-она оламдан бўлди.

Орадан йиллар ўтди. Ёши етиб, боши ёстиққа тегди. Кўзининг оқуракориси фарзанд оиласи билан бўлиб ўзидан ортмай қолди. Ана шунда у яна такрор она қўлларини эслади. Эсладию, ёш боладай ғўнграб юборди.

Мақсуд ОРИПОВ

МҲРНИКЛАР

Демасман кофир бўл
ёки мусулмон,
Ёхуд бир кишварга
муллоқ ҳукмрон.
Не бўлсанг бўл, вале
сен энг аввало,
Бўлгин пок ниятли Ҳазрати
Инсон.

Не фойда нодонга
панда насиҳат?
Кўксидо бўлмас
покиза ният,
Гаразлиқ дардига
кимки мубтало,
Юз ўғирар ундан
улус-жамият.

Неча бор дўстимга
қилдим илтижо:
«Ортимдан қоралаб
айлама ғийбат»
Деди: «Мендан беҳуда
ранжимо ошно,
Менинг касбиям шу то
рўзи қўямат».
Забихулла НУРИЛЛО

Саҳифа материалларини
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ тайёрлади.

Шарқ дурдоналари



• Бир киши Мусъаб ибн Забайр олдига келиб, Аҳнаф ҳақида кўрқинчли уйдирма ғийбат гапларини гапирди. Мусъаб Аҳнафни чақиртириб келди. Унга хитобан воқеани баён қилди. Аҳнаф уйдирмачи кишининг ёлғончи ва ғийбатчилигини айтиб, ўзини оқлашга киришди. Мусъаб деди «Унинг айтган гапларига адолат юзасидан қараганда ишончга лойиқдир!» Аҳнаф унга деди: «Агар сенда ишонч ва адолат бўлганда эди, ғийбатчининг сўзида кулоқ солмаган ва уни ўйиндан ҳайдаб чиқарган бўлардинг!»

• ҲИҚМАТ. Бойлик ўткинчи нарсадир. Ақлли киши ўткинчи ҳою ҳавасга берилмайди. Байт:

Бойлигини
роҳатинг бўлса
ҳам сенга,
Фано губоридан
бўлади барбод
Ҳақиқий бойлиқни
кирит қўлингга,
Икки кунлик нарса
учун бўлма шод!

• Фазабсиз кишини синмас киши дейдилар. Мулоий киши шундай кишики, фазаб ўтини жиддуҷаҳд билан танидан қақара олади. Байт:

Фазаб келса ундан
енгилмоқ нуқсон,
Фазабин енгилган
ҳақиқий марддир.

• Мамвун ўз даврида машхур бўлган бир олимдан илтимос қилиб: «Бир-икки оғиз фойдали сўз айтсангиз токи ундан кўпчилик манфаат топсин!» — деди. Олим унга қуйидагиларни айтди: «Киши учун энг фойдали ҳислат — фазаб келганда ўзини босиш, сукут сақлаб жим туриш, фазаб босилгандан кейингина фикр ва мулоҳаза билан гапириш. Жаҳлинг чиққанда ўзингни бос, бировга фойда келтирмайдиган ва дилни оғритадиган сўзларни гапирма, топишингга қараб харж қил, киримдан ортқ чиқим қилсанг ўзгаларга муҳтож бўлиб қолсан, ўзингга наф келтириб, бировга зарар келтирадиган фойдадан кеч, ишни қаҳру фазаб билан эмас, чуқур ўй ва мулоҳаза билан қил. Бировлар ҳақида гапирганингдан уларнинг номини ёмонлаб тилга олма. Биров сенга сир айтса, бу сирни ҳар кимга гапириб юрма. Айбингни олдингга айтган ва қулфатга қолганингда ҳамроҳ бўлган кишинингизна дўст деб бил!»

Ўқинг, қизик**ЙИЛНОМА
БЎЙИЧА
НОНУШТА**

Америкалик ноширлардан бири 1984 йил учун ажойиб йилнома нашр эттирди.

Унинг варақлари яшил ва кўк рангга бўялган бўлиб, ёш куёв ва келинлар учун мўлжалланган. Йилноманинг кўк рангли варақли кунларида эрталабки нонушта тайёрлаш кўбга насиб этади. Яшил рангли варақли кунларда эса овқат тайёрлаш келин зиммасига тушади.

Америка матбуотининг хабар беришича, йилнома хотин-қизлар ўртасида, айниқса, кенг шухрат қозонди.

**КЕКСАЛИККА
ҚАРАМАЙ**

Маъшур америкалик сайёҳ Льюис Котлоу ақинда 86 ёшга тўли. У кексаликка қарамай яна саёҳатга чиқмоқчи.

Котлоу биринчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг Марказий Африка қабилалари ва Янги Гвинея элатларининг ҳаётини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борди. 1977 йилда унга Нью-Йорк клубининг олтин медали берилди. Маъшур тадқиқотчи Р.Амунтсен ва Ой юзасига биринчи қадами этган инсон Н.Армстронг бундай мукофотга сазовор бўлишган.

Котлоу марказий Борнео ўрмонзорларига бориб, бу ердаги аҳоли ҳаёти ва турмушини ўрганиш ниятидадир.

ҲОРЛАР СИРИ

Кубалик археологлар уч горни топиди. Пренса Латина агентлигининг хабарига кўра, бу горларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Горлардан бирига кириваришда қояга ўйиб ишланган тўсиқ топилди, бу ер ости кўлига тушиш йўлини муҳофаза қилиб турган. Бошқа горлардан эса, учта сопол идиш, одам сўяклари, шунингдек, уй-рўзғор анжомларининг қолдиқлари топилди.

**ҲАЗИЛКАШ
КЕНГУРУ**

Туристлардан бир гуруҳи автомобилда Австралия бўйлаб саёҳат қилишмоқда эди. Тасодифни қарангки, улар ўрмон йўлакларидан бирида кенгурани кўриб қолди. Ҳайвон беҳуш эди. Саёҳатчилар уни йўл чеккасига олиб чиқиб, расмага тушириш учун дарахтга суяб қўйишга жазм қилишди. Саёҳатчилардан бири кенгурга ўзининг чарм камзули ва бош кийимини кийгизиб қўйди.

Кийинтирилган кенгурани суратга тушириш учун таралдуд кўрилатганида у тўсатдан ҳушига келди ва ўрмонга қараб қочди. Ҳайвонлар тўдаси сўнгги мода бўйича кийинган кенгурани қандай қабул қилишгани ҳеч кимга маълум эмас. Аммо, у билан ҳазиллашган саёҳатчининг аҳволи мушкуллашди. Чарм камзулнинг чўнтагида унинг паспорти билан 1500 доллар пули бор эди.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**Диққат !****«Тошкент почтамти»да янгилик!**

2005 йил 21 апрелдан бошлаб бош почтамтда ва йирик почта алоқа бўлимларида шаҳар телефон тармоғи абонентларидан хонадондаги телефон учун ойлик тўлов ва телефонда кредитга халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув тўловларини янги такомиллаштирилган техникалар ёрдамида нақд пул ва пластик карточкалар орқали қабул қилиш бошланди.

Бу хизмат ёрдамида абонент қарзининг миқдори бир зумда аниқланиб тўлов қабул қилинади ва узиб қўйилган хонадон телефонини шу кун ишлатиб бериш кафолатланади.

«Тошкент почтамти» маъмурияти

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солигларни қуйидаги автоматотранспорт воситаларининг очиқ кимошди савдоси ўтказилади.

2005 йил 3 май кунини қуйидаги автоматотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:

1. "Газ-53" автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 57-20 ТНМ, бошлангич нархи 199 430 сўм, техник носоз;
2. "Газ-3306" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 47-33 ТНП, бошлангич нархи 1 212 741 сўм, техник носоз;
3. "БМВ-3-1" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Т 66-69, бошлангич нархи 641 500 сўм, техник носоз;
4. "Луаз-969М" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АВ 620, бошлангич нархи 674 819 сўм, техник носоз;
5. "Газ-2411" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АО 276, бошлангич нархи 1 033 967 сўм, техник носоз;
6. "Кавз-685" автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 486, бошлангич нархи 2 266 608 сўм, техник носоз;
7. "Каз-60882" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 144, бошлангич нархи 3 960 184 сўм, техник носоз;
8. "Зил-ММЗ-45021" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 142, бошлангич нархи 2 588 053

- сўм, техник носоз;
9. "Газ-5204" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 337, бошлангич нархи 2 055 908 сўм, техник носоз;
10. "Раф-2203" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АВ 352, бошлангич нархи 1 692 061 сўм, техник носоз;
11. "Дэу-Рейсер" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АВ 710, бошлангич нархи 3 129 424 сўм, техник носоз;
12. "Дэу-Рейсер" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АВ 638, бошлангич нархи 3 145 029 сўм, техник носоз;
13. "Ваз-21063" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 Е 16-26, бошлангич нархи 566 878 сўм, техник носоз;
14. "Зил-ММЗ-45021" автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АА 302, бошлангич нархи 405 418 сўм, техник носоз;
15. "Зил-130" автомобили, 1969 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АА 293, бошлангич нархи 172 157 сўм, техник носоз;
16. "Камаз-5320" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АВ 894, бошлангич нархи 3 190 715 сўм, техник носоз;
17. Москвич-2140 автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 56-71

- ТША, бошлангич нархи 363 068 сўм, техник носоз;
18. "Зил-431412" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10-16 ТШС, бошлангич нархи 2 351 676 сўм, техник носоз;
19. "Газ-53" автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30-99 ТШС, бошлангич нархи 1 627 450 сўм, техник носоз;
20. "М-412 ИЭ" автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 F 81-41, бошлангич нархи 640 000 сўм, техник носоз;
21. "Ваз-2103" автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 F 65-85, бошлангич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
22. "Татра-815" автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошлангич нархи 19 676 448 сўм, техник носоз.

2005 йил 25 май кунини қуйидаги автоматотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:

1. "БМВ-525i" автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 23-45, бошлангич нархи 7 665 848 сўм, техник носоз;
2. "БМВ-525" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 J 83-22, бошлангич нархи 8 000 000 сўм, техник носоз;
3. "Газ-2411" автомобили,

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
республика бирлашмаси**

To'shkentvi Zaambervguel nomidagi To'shkent Davlat cirki

2005 йил 18 мартдан
Диққат! Диққат!
КУТИЛМАГАН ВОҚЕА
Тошкент Давлат циркида
ПАРИЖ-ТОШКЕНТ — ИСПАНИЯ
транзит йўли асосида жаҳонда ягона
РЕВЮ МУЗ ШОУСИНИ

18 мартдан бошлаб томоша қилишга шошилиш!
Цирк кассаларида ҳозирча чипталар бор.
Жума, шанба, яқшанбада
Биз Сизларни ўз Шоумизда кутамиз Келганингиздан афсусланмайсиз!!!
Томошаларга жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан очил.

Маълумотлар учун телефонлар:
144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

- 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G07-87, бошлангич нархи 1 584 303 сўм, техник носоз;
4. "Шкода Октавия" автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошлангич нархи 1 800 000 сўм, техник носоз;
5. "Нексия" автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЕ 253, бошлангич нархи 2 040 862 сўм, техник носоз;
6. "Нексия" автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЕ 254, бошлангич нархи 2 116 039 сўм, техник носоз;
7. "Тойота Камри" автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошлангич нархи 4 500 000 сўм, техник носоз;
8. "Доган-S" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 I 78-99, бошлангич нархи 502 068 сўм, техник носоз;
9. "Ваз-21061" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 J 80-95, бошлангич нархи 1 200 000 сўм, техник носоз;
10. "Ваз-21013" автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 Н 09-55, бошлангич нархи 500 000 сўм, техник носоз;
11. "Урал-4320" автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 34-14 ТНФ, бошлангич нархи 15 000 000 сўм, техник носоз.

Кимошди савдолари соат 16-00да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимошди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади.
Кимошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.
Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

**ДУДБУРОНЛИ ГАЗ АСБОБЛАРИДАН
ҲОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Илик кунлар бошланиши билан истиш печлари ва ВНИ-СТО, КЧМ, АОГВ, АГВ-80, АГВ-120 каби иситиш қозонларининг мўриларига эътибор сўясиди, натижада дудбуронлар қизиб кетиб, ёнгин содир бўлиши мумкин.

Иситиш печлари, иситиш ва сув иситиш қозонлари дудбуронлари, шамоллатиш йўллариининг созлогини назорат қилиш ва газ асбобларини хавфсиз ишлатиш хонадон эгалари ёки улардан фойдаланувчилар зиммасида бўлиши Ўзбекистон Республикаси газ ҳўжалигида хавфсизлик қоидаларининг 1.4.3; 1.1.4 бандларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси газ ҳўжалигини техник эксплуатация қилиш қоидаларининг 9.3,12 бандида кўрсатилганидек газ асбобларининг созлогини ҳақидаги далолатнома хар йили иситиш мавсуми бошлангунга қадар газ ҳўжалиги идорасига топширилиши яшаш уйлари, қорхона ва умумий бинолар эгаларига, хусусий хонадонларда эса хонадон соҳиблари зиммасига юклатилган.

2005-2006 йилги қиш мавсумига тайёргарлик кўриш муносабати билан истеъмолчиларга қўлайлик яратиш мақсадида дудбурон ва шамоллатиш йўллариини текширувчи ходимлар хонадонларга бориб шахсий гувоҳномасини кўрсатиб, дудбурон ва шамоллатиш йўллариининг сози-

гини аниқлаб, далолатнома тузиб, тумангазларга топширадilar. Далолатнома учун ҳақ тўланган қвитанция хонадон соҳибларига берилади.

Агарда дудбурон ва шамоллатиш йўлларида носозликлар бўлса, газ асбобидан фойдаланиш тақиқланади. Бундай ҳолларда таъмирлаш ишларини бажариш учун қуйидаги манзилларда жойлашган қорхоналарга мурожаат қилин:

1. Мирзо Улугбек тумани Темур Малик кўчаси, 114-уйда жойлашган Тошкент шаҳар ёнгинага қарши кураш жамияти, Тел: 65-98-55.

2. Ҳамза тумани Алиев кўчаси, 72-уйда жойлашган "Бунёдкор таъмир Сервис" масъулияти чекланган жамият, Тел: 98-07-97.

3. Собир Раҳимов тумани Лағар кўчаси, 161-уйда жойлашган "Олимжон" масъулияти чекланган жамияти, Тел: 40-17-90.

Газ чала ёнганда ис газга ажралиб чиқиши сабабли, юқорида қайд этилган ишлар ўз вақтида бажарилса, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олган бўласиз.

"Тошкентшаҳаргаз" ХТГК

Спорт

**ШАХРИМИЗ
ВАКИЛЛАРИ
ГОЛИБЛАР
САФИДА**

Шахримиздаги «Ёшлиқ» спорт мажмуасида уч кун давомида 1986 йилда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида акробатика бўйича Ўзбекистон биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди.

Турнирда спортнинг ушбу тури тараккий этган вилоятлар ҳамда шахримизнинг ёш, иқтидорли акробатлари қизлар жуфтлиги, қизлар учлиги, ўсмирлар жуфтлиги, ўсмирлар тўртлиги ҳамда аралаш жуфтликлар бўйича галаба учун кураш олиб боришди.

Муҳлислар ушбу чиройли спорт тури бўйича спортчиларнинг чиқишларини мароқ билан томоша қилишди. Энг яхши натижаларга эса ҳамшаҳарларимиз, Андижон ва Самарқанд вилояти вакиллари эришишди.

Пойтахтимиз акробатларининг биринчилигидаги иштирокига тўхталадиган бўлсак, спорт усталари ва спорт усталигига номзодлар дастури бўйича қизлар жуфтлиги мусобақаларида З. Қолдирбоева — Н.Исроиловалар хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олди.

Шахримиз акробат қизлари учлиги спорт усталари баҳсида М.Набиева, Е.Строгонова, А.Қодирова, I, II ва III тоифали спортчилар ўртасида эса А.Мамедова ва Т. Лебедевалар ҳам Ўзбекистон биринчилигининг голиблари қаторидан ўрин олишди.

Эркаклар жуфтлиги ва аралаш жуфтликлар баҳсларида самарқандлик акробатлар зафар қўнган бўлса, ўсмирлар ўртасида аксарият биринчи ўринлар Андижон вилояти спортчиларига nasib этди. Наманган ва Фарғона вилоятлари вакиллари ҳам галаба нашидасини сурди.

**АВТОПОЙГА
УСТАЛАРИ
БЕЛЛАШДИ**

Жиззах шаҳрида уч кун давомида автопойга бўйича Ўзбекистон чемпионатининг кескин ва ҳаяжонли баҳслари бўлиб ўтди.

Чемпионатда олти вилоят ҳамда Тошкент шаҳридан қирққа яқин тажрибали автопойгачилар пойганинг олтинчи йўналиши бўйича ўзаро куч синашишди.

Умумжамоа ҳисобида Самарқанд вилояти вакиллари биринчи ўринни эгаллашган бўлса-да, А-8, Г-1 ва Г-2 йўналишлари бўйича энг кучлилар сафини бошқарган шахримиз вакиллари Виталий Қосимов, Шерзод Жумаев ва Геннадий Андреевлар Ўзбекистон чемпионлари бўлишди.

Ҳамшаҳарларимизга умумжамоа ҳисобида учинчи ўрин nasib этди.

(Ўз мухбиримиз)


«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси компанияда қозғолар бўйича етакчи муҳандис Эркин Ҳасанович Атабоевга аккаси

**Убайдулла Ҳасанович
АТАБОЕВнинг**

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.



Жажжи кичкинтойларимиз қадрдон боғчаларида ҳар куни мана шундай дилдан қувнаб куйлашиб, қизиқарли ўйинлар ўйнаб, бахтли болалик гаштини сурмоқдалар.



Наталья Семёнова олган суратлар

22 апрель — Халқаро ер кўни

ОНА-ТАБИАТ ПОКИЗАМИ: БИЗ СОҒМИЗ

Инсоният нималар қилмаган, қанчадан-қанча тadbирларни ўйлаб топмаган дейсиз?! Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро ер кўнини ўтказиш ҳақидаги қарорига бефарқ қараганмиш. Бугун ер кўнини ўтказиш — тadbирларнинг тadbири эканлигини бутун руҳимиз, борлигимиз билан ҳис қилмоқдамиз. Нега? Инсон ўзига хос микродунё — тирик сайёра бўлса-да, она табиатсиз зинҳор яшай олмас экан. Оламда учта мавжуд — туғилган куч бор экан. Булар — ҳайвонот, наботот ва жамодот. Инсон — тирик вужуднинг олий бир кўриниши, шарифи. Балиқ, фил, туя, қумурска, капалак, тўрғай, кўй, кўйинги, тирик жон борки, инсоннинг энг яқини. Ҳайвонот олами бўлмаса, инсон ғарибу бенаво бўлиб қолади. Nabotot — дов-дарраҳт, ўсимликлар, гиёҳлар, не-не газалларда куйланган анвойй гуллар тирик танининг ён кўшниси — жон озиги.

Тоғу тошлар, ёру уммонлар — жонсиз табиат деганимиз — жамодот ҳам инсоннинг суянчиги, юриш-туриши, оёқ остидаги замини.

Она-табиатни дов-дарраҳт, гиёҳ — кўм-кўк оламсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кузатганимиз, одам ғамга ботса ҳам, қувончдан юраги ёрилай деса ҳам дараҳтга суянади, гулдан таскин излайди, зилол сувга тикилади.

Ҳар бир дараҳт, бинафша, ялпиз, печак — тирик, жонли, оғоҳ. Биз дараҳтлар «оҳ» урганини, гулларнинг сўлганини, ўт-ўланларнинг жизганак бўлганини ҳисси қузатамиз. Ваҳоланки, наботот олами одамага хизмат қилади, садоқат кўрсатади ва

афсуски, қалби кўр одам томонидан «ўлдирилади». Биз истикомат қиладиган Чилонзор туманидаги «Катта Дўмбиробод» маҳалласида 2 гектарча келадиган шинамгина бог бор. Унда ҳозир каттаю кичик, мевалиғу манзарали 360 туп дараҳт мавжуд. Йил — ўн икки ой давомида богдан дўмбирабодликлар қадами узилмайди. Олпоқ қорға бекранган боғнинг ўзига хос таровати бор. Баҳорда богда ҳаёт жўш уради: дараҳтлар яшил либосини қияди, ўт-ўланлар кўкаради, мевали дараҳтлар гуллайди. Бундай пайтда боққа нафарқат одамлар, балки йўқолиб бораётган қўшларнинг ҳар хил турлари учиб келади, «бой кизи», нинича, ранг-баранг капалаклар

гулдан-гулга кўнади. Асалариларнинг «ғув-ғуви» қулоққа хуш ёқади. Ёз фаслида бу бог жоннинг роҳати: саратон олови ҳаммаёқни куйдираётганда, богда шабада эсиб туради, ҳар бир дараҳт инсонлар бошида мисоли шамсия бўлади. Жилдираб сув оқиб турган, сердараҳт богда бироз дам олишнинг хузури бебаҳо. Қузда дараҳтлар сариқ-оловранг либосини ечади, қиш уйқусига тайёргарлик кўради. «Катта Дўмбиробод» боғининг яна бир нафи бор: боғнинг ёнгинасида «Совпластитал» қўшма корхона бор. Корхона цехларидан чиққан рутубатли ҳавони бог дараҳтлар «ютади», заҳарни ўзида қолдириб, одамларга тоза ҳаво улашади. Бог-

нинг бикинидаги боғчанлар фарқи йўқ, деярли. Лекин бу боғча болалари боғнинг мусоффо ҳавосидан кўпроқ баҳра оладилар.

Хуллас, «Катта Дўмбиробод» боғи ёш авлодга спорт, соғломлаштириш майдони, қари-қарангларга жонли, табиий дори-дармон вазифасини ўтамоқда. Эрта тонгдан богда ёш-яланг, қарияларнинг гурунги қизийди. Боғбон Нурматжон Тошпўлатов эрта тонгдан кеч қоронғугача гимир-гимир қилади.

Шу кунларда одамлар орасида гармсел шамолидай ёқимсиз, жонни ўртайдиган хунук бир гап айланиб қолди. Эмиш-ки, бог одамларга участка қилиб бўлиб берилармиш, дов-дараҳтлар қирқиб ташланармиш. Хатто айримлар «Бизга ҳам бир участка ер тегиб қолармикан», деб юғураётганмиш...» Илоҳим бундай хунук гапларни қадрдон боғимизнинг ҳаётбахш шамоли йироқ-йироқларга улоқтириб ташласин... Нишонланаётган халқаро ер кўнида биз шундай ўйлар билан ашаммоқдамиз.

**Абдуғафур РАСУЛОВ,
Раҳмонберди КЕНЖАЕВ,
«Катта Дўмбиробод»
маҳалласи фаоллари.**

Ҳаётини воқеалар

СОДДАЛИК ПАНД БЕРДИ

Қора қозон зўр-базўр қайнаб турган урушдан кейинги оғир йиллар. Ойим раҳматлик кеч кирди дегунча саккиз фарзанднинг озгига бирор егулик тутиш учун ошонадан чиқмасдилар. Уша кунларнинг бирида ҳовли томондан ойимнинг бақириб мени чақирган овозлари эшитилди:

— Хой, Жаҳонгир, ушла анави мушукни! Қирилиб кетгур гўштни олиб қочди. Тез қувла кетидан, гўштни озгидан олиб қол жувонмарнинг!

Шу заҳоти ичкаридан югуриб ҳовлига чиқдим. қарасам, хурпайган, семиз, тарғил мушук озгидан гўштни тишлаганга ҳай-ҳайга ҳам қайрилиб қарамай лип этиб девор оша кўшнининг чордоғига кириб кетди. Ойим ҳам, мен ҳам унинг кетидан қараб, иложсиз бақириб-чақириб қолавердик. Ошонага пашшахўрда бўлиб қолган, томдан ташласа оёғи билан тик тушадиган, тутқич бермас бу махлуқни қандай қилиб ушлаш мумкин?! Уйлаб-ўйлаб ахири Бахтиёр укам қаердандир қопқон топиб келди ва менга қараб:

— Ака, ана энди кўрасиз мендан ўғрини қандай ушлашни! — деди-да, қопқоннинг ичига кичкина бир бўлак гўштни жойлаштириб, уни мушукнинг йўлига тўғрилаб қўйди.

Қопқоннинг тузилиши жуда оддий экан. Унинг узунлиги бир метр атрофида бўлиб, кўндаланг кесими мушук бемалол сигадиган қилиб тўртбурчак шаклида ясалган. Қопқоннинг ўртасига қалин фанердан мослама ўрнатилган. Мосламанинг ичкаридаги кўтарилиб турадиган учига гўшт бўлаги қўйилиб, олди учи эса мушук кириши учун пастга оғиб туради. Мушук ичкаридаги гўштни емоқчи бўлиб қопқон ичига кирганида мосламанинг олд учи мушукнинг ташқарига чиқиш йўлини тўсиб, кўтарилади. Ана шу алпозда мушук беозоргина ўзини ўзи қопқон ичига қамайди.

Уша кун Бахтиёр иккимиз ўғрини ушлашга астойдил киришдик. Бир кун пойладик-мушук келмади, икки кун пойладик... Ниҳоят, учинчи кунни ўри мушук қопқонга тушди!

Укам иккимиз пистирмадан чиқиб, мушук

олдига келдик.

— Ҳа, кўлга тушмас экансан-а, тушмас экансан! Ана энди сени қопга солиб, қоп озгини бўғиб боғлаб Бўзсувга ташламасам, мен ҳам юрган эканман! — деб Бахтиёр мени қопқон олдида қолдириб, ўзи қоп қидириб кетди. Укам анча ҳаяллаб кетиб топиб келган қопни мен қопқоннинг озгига тўғрилаб ушлаб турдим. Бахтиёр қўлидаги чўп билан мушукни ниқтаб-ниқтаб қопга киришга мажбур қилди. Ниҳоятда хурсанд бўлиб кетган укам қоп озгини икки қўллаб маҳкам сиқиб ушлаб «Ана бу бошқа гап! Ҳуш, ахволлар қалай энди, кўлга тушиндми ўғри?» деб қопни даст кўтарганини билади...

Эҳ, хом сут эмган содда укам-а! Қопнинг у ёқ, бу ёғини яхшилаб, шошмасдан текшириб қўрмайсаними, а?

Ака-ука ёганимиз ичимизга тушмай уч кун овора бўлиб кўлга аранг туширилган мушук икки марта «Ванг, ванг» деб, Бахтиёр топиб келган туби йўқ қопдан чиқиб, бизни доғда қолдириб қочиб кетишга муваффақ бўлди!

Ака-укани лақиллатиб жуфтакни ростлаб қолган ўғри мушук кетидан «Ва-а-а-а...» деганча тик туриб бир-биримизга қараганча қотиб қолдик.

Жаҳонгир ПИРМУҲАМЕДОВ

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет усулда босилди.
3009 нусхада босилган. Қотоз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига муражат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.